

Малида қадимий масжид ҳашар йўли билан таъмирланмоқда



17:00 / 30.04.2019 2072

VII-VIII асрларда бунёд этилган ушбу масжид Малининг қадимий Женна шаҳрида жойлашган.

Масжид оддий лой ва қамишдан кўтарилган бўлиб, кўплаб меъморларнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Меъморлар бу масжидни Судандаги қамишли иншоотларнинг энг катта меъморий намунаси, деб биладилар.

Масжидни қайта таъмирлашда сув, қум, қамиш, маҳаллий дарахтдан олинадиган ёғ ва сомондан фойдаланилмоқда. Қалин қилиб ётқизилган қумшувоқлар масжидни муссон ёмғирларидан ҳимоя қилади. Аллоҳ байтининг қайта таъмирланиши мамлакат аҳолиси учун ўзгача байрам кайфиятини юзага келтирмоқда. Мамлакатнинг турли ҳудудларидан

келган маҳаллий аҳоли масжиднинг шамол ва ёмғирдан зарар кўрган жойларини ҳашар йўли билан таъмирлаб чиқмоқдалар. Бу ишларни барча кексаю ёш ўзгача хурсандчилик ва самимият билан бажармоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 1988 йилда қадимий Женни шаҳри ва қамишли масжид ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти